



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 12-август
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 160 (1941)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Бухоро вилоятида қишлоқ инфратўлимасини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида Бухорода юз ўринли вилоят кардиология маркази очилганлиги шу минтақа аҳолисига ўзига хос байрам тўғриси бўлди. Уни "2-Бухоро вилоят жамоа ҳўжалик қурилиш" трестининг 203-кўчма механизацияланган жамланмаси бинокорлари бунёд этди. Қарийб 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Иншоотни қуриш ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 244 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги кардиология марказининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳўқими Самойдин Хўсенов очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди. (ЎзА)

ЃЎЗА ПАРВАРИШИГА ЭЪТИБОР

Бухорода қишлоқ ҳўжалигида ислохотларнинг бориши, ғўза парваришининг аҳволи, такрорий экинлар экишни жадаллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳўқимлари, агро-саноат мажмуи, банк, ҳўқуқ-тартибот ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳўқими С.Хўсенов олиб борди. Вилоят ҳўқими биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Ғ.Диловнинг ғўза парвариши, ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинлар экишининг аҳволи ҳақидаги ахбороти тинг-ланди. Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И.Бобононов, "Ўзқишлоқхўжалик таъминотузастиш" давлат кооператив кўмитаси раиси Б.Олимжонов, "Ўзқишлоқхўжалик маш-хўлдин" компанияси раиси Р.Матчонов, Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг бош директори А.Авлиқўлов жойларда бу борала қандай ишлар амалга ошириляётгани юзасидан маълумот берди.


Таъкидланганидек, айрим туманлар ҳўқимлари, жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислар ғўзага ишлов беришни жадаллаштириш, барча агро-техник тадбирларни қат-

ий муддатда ўтказиш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, шунингдек, машина теримига тайёргарлик ишларига етарли эътибор бермаётганлар. Чеканка вақтида ва сифатли ўтказилмаганлиги натижасида айрим майдонларда ғўза гоғлаб кетган. Ғўза парваришига етарли ишчи кучи сафарбар қилинмаётган. Жондор, Когон, Пешку, Вобкент, Қоровулбозор, Ғиждувон, Олот ва Қорақўл туманларида бу борала айниқса жиддий аҳвол вужудга келган. Йиғилишда қўзи дон экишни қисқа муддатларда сифатли ўтказиш, оилавий пудратни кенг жорий этиш, боғлар ҳамда узумзорлардан унумли фойдаланиш каби масалалар ҳам қўриб чиқилди.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Илҳом САҒАР,
ЎзА мухбири.

ТОНГ ШУЪЛАСИ



Мустақиллик майдонидан репортаж



В. ПОРТНОВ олган суратлар.

ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ҚОНУНЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганда дастлабки йилларда ҳалқ манфаатлари-га, ёш давлатимиз мақсадлари ва вазифаларига тўлиқ жавоб берадиган ўз қонуinchilik негизини яратишга киришди. Қисқа муддатларда давлат мустақиллиги ва янги ижтимоий муносабатларнинг ишончли ҳуқуқий пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислох қилишга қаратилган қонунлар қабул қилинди.

мустақил ривожланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий негизига эга. Халқ ва инсон эркинлиги, янги давлат тузуми, жамиятда амалга ошириляётган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз қонунлари билан ишончли кафолатланмоқда. Мустақиллик йилларидаги қонун яратиш жараёнини таҳлил этган ва умумлаштирган ҳолда шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Олий Мажлиснинг тузилиши миллий парламентаризмни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Бугун дедил айтиш мумкинки, Ўзбекистон умуман олганда демократия ва тараққиёт йўлидан

рига қўра кўппартиялик асосида шакллантирилган эди. Янги типдаги парламент ишининг дастлабки кўнрали-дан қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга ўзига хос ёндашувлар шакллана борди. Бу босқа мамлакатлар ҳўқими тақдирининг тақдирларининг хатоларини такрорламасдан, мамлакатимиздаги ўттиш даврининг ўзига хос хусусиятларини, ўзбек халқининг ақлаковатини, унинг анъаналари ва одатларини ҳисобга олган ҳолда қонун яратишнинг ўзинига хос механизминини ишлаб чиқиш имконини берди. (Давоми 2-бетда)

1. Мустақилликни сиз қандай тушунаси?
2. Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?
3. Ўзингиз яшаётган жойда қандай ўзгаришлар бўлди?
4. Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида қўшаётган улуғиниқиздан қўнглингиз тўладими?

зоналаридан бири бўлиб хизмат қилади. Биз санақли кўнлардан кейин етти йиллигини нишон-лайдиган республикамиз мустақиллиги мамлакатимизда қонунларни ишлаб чиқишнинг бутун жараёнига кўчди, илҳомбахш туртки берди. Бугун дедил айтиш мумкинки, Ўзбекистон умуман олганда демократия ва тараққиёт йўлидан

раётган одил сиёсатни халққа етказишда, оммавий фикрини тўғри йўналишга бошлашда, жамоатчилик фикрининг шаклланишида газетанинг аҳамияти катта. Хўрматли Президентимиз Исмоил Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволлари берган жавобларида «Мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотди» дегандилар ва матбуотнинг кучига жуда катта баҳо берган эдилар. Айни пайтда бу биз журналистлар учун катта масъулият ҳамида. Бу масъулиятни тўлиқ ҳис этиб, жамоа фикрининг тўғри шаклланиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

ОЗОД ХАЛҚ БУЮК ИШЛАР ҚИЛАОЛАДИ

собиқ раҳбарларидан бири текширишга ўз ходимини юборди. У текширув ўтказиб, ўғилларининг суннат қилинмаганлиги ҳақида шифоҳонадан да-лолатнома олиб, бу суннат тўғри эмас, отасининг юбилеи бўлган, унга ўғилларининг туғилган кунини ҳам қўшиб ўтказган (суннат қилишга шон-шўмаганим ҳам яхши бўлган экан) деб бошлигини ишон-тирдандан кейин ўз ишимда қолганман. Бўлмаса «насибамни» олган бўлардим. Чўнги, ўша даврда авлод-аждодаларимиз амал қилиб келган удул-ларимизни қишлоқмаеддик. Сўнгги йўлга қўзатаётган дўсти-биродаримиз жанозасига

қатнаша олмас эдик. Бугун-чи? Мустақиллик ту-файли ота-боболаримиз рас-мусларини бемалол давом эттирамиз. Уларнинг номлари абадийлаштириляпти. Бу йўлда қилаётган ишларимиз эса тақдирланапти. Мана шулар албатта мустақиллигимизнинг натижаси, унинг бизга бераётган ширин меваларидир. 2. Мустақиллик бор жойда эркин меҳнат бўлади, ижодий ўсишлар бўлади. Ижодий ўсишлар бор жойда мўл-кўлчилик вужудга келади. Мўл-кўлчилик эса яхши янаш, тўғри, хўрсандчиликдан далолат беради. Мен Ўзбекистоннинг тараққиёт юртига айланганга ишо-наман. 4. Ҳўкуматимиз олиб бо-

лиқ тарихий таърибага эга, тошда дур ундирадиган меҳнаткаш деҳқоннинг тенги то-пилармикан? Юртимиз ту-поридан битган мена, узум, қўву-тарвузларимизнинг мазасини бир марта татиган одам бу за-минга умрбод ошурфа бўлиб қўлади. Шундай ноёб имкони-ятлар худди қайта ишлаш са-ноатини ривожлантириш учун яратилгандай. Наманган вилояти Янгиқў-рғон туманида Испания билан ҳамкорликда шампан винола-ри ишлаб чиқарадиган «Янис ЖВ» қўшма корхонасига раҳ-барлик қилаётган Испаниядан келган ишбилармон Рафаэл Менендес Лучо биз билан сўх-батла шўнадай дедан: — Ўзбекистон билан Испаниянинг иқлими бир-бирига жуда яқин экан. Лекин сиз-ларда етиштирилган узумлар биздагидан анча ширадор. Ўзбекистон ҳам Испанияда ишлаб чиқариляётган ва бутун дунёга экспорт қилинаётган маркали винолардан қўлиш-майдиан аjoyиб маҳсулотлар-ни ишлаб чиқариши ва чет-га сотиши мумкин. Сизларда етиштирилаётган узумдан олинган вино бутун дунёга маъқул бўлиши аниқ. Унинг исботи, яқинда Ялта ва Санкт-Петербург шаҳарла-рида ўтказилган халқроа де-гу-

ҚАРОР ВА

ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТ ички бозорни ноз-неъматга тўлдиради, экспорт салоҳиятимизни оширади

ТАҲЛИЛ

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов мена-сабза-вот маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва корхоналар қувватларидан фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар сифатини ошириш ва четга сотишни кўпайтириш соҳасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтидилар.

Улканмида авжи пишиқ-чилик. Бог ва полиларда мўл ҳосил етилган. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ: бободех-қонларимиз тер тўкиб қилган меҳнатлари самара бермоқда. Дарахтлар шохини эгиб юборган ҳосил кўнглини қўнтради. Мена, узум, саб-завот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, тайёрлаш, уларни ўз вақтида нобуд қилмай қайта ишлаш ва сотишни таъкид қилиш мақсадлида яқинда Вазирлар Маҳкамаси "1998 йил ҳосили мена-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва со-ничи чора-тадбирлари тўғриси-да" қарор қабул қилди. Мазкур қарорда 1998 йил-да мена-сабзавот маҳсулотла-рининг асосий турларини етиштириш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда со-тишининг истиқбол кўрсаткич-лари маълумот учун қабул қилинди. Макроиқтисодий ва статистика вазирлигининг 1999 йилдан бошлаб мена-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиш-тириш ҳамда уларни қайта ишлаш истиқбол баланси ишлаб чиқиш топширилди. Бектебир ўйга толасиз: биз-дагидай замани зар, суви ган-ҳар, қўшга мўл дийр дунё-нинг яна қайси бурчагида бор? Қолаверса, минглаб йил-

стацияларда узимизда ишлаб чиқариш маҳсулотларининг бир қанча турлари олтин, кў-муш, бронза медаллари ва дипломлар билан тақдирлан-ди. "Снжжак", "Кагор", "Оқтош", "Жилвон", "Тўли Кандоз" винолари Америка Қўшма Штатларининг сифат сертификатини олишга сазо-вор бўлди. Юқоридagi ймкониётлардан самарилорқ фойдаланиш мақсадлида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июлдаги қарорига биноан "Умелва-сабзавотузумсаноат-хўлдин" компанияси тузилиб, унинг зиммасига тасарруфидagi кор-хоналарни ҳусеунилайштириш ва тармоқни монополиядан чиқариш жараёнининг чу-қурлаштириш, агро-саноат интеграцияси ва кооперация-лашининг янги турларини шакллантириш, ягона техника ва инвестиция сиёсатини юритиш, ялғор технология-ларни жорий этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, экспорт маҳ-сулотлари ҳажминини кўпайти-риш каби вазифалар юкла-тилган эди. (Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ МОҲИЯТИ

Саволларга оққў-роғлик журналист Абдулло МАДИЕВ жавоб беради:

1. Хўдога минг қат-ла шуқурким, ҳозир қайси маҳаллага кир-сангиз карнай-сурнай садолари янграб, тўй бўлаётганидан дарак беради. Тўй эса яхшилик, тўқчилик, инсон ору-сининг амалга ошиш тисмоси. Нега мен гапни тўйдан бошладим? Чўн-ки, собиқ тузум даври-да фарандларимга тўй қилиб, қўйиб қоли-шимга сал қолган. Тўйдан кейин ким-дир Тошкент вилоят партия қўмитасига имзосиз мактуб йўллаб, «ўзи райинжроқмада ишлайди, лекин тўй қилиб, болларини суннат қилди-ри, бу эскилик сарқити» деб ёзиб юборибди. Шу пайтда вилоят партия қўмитасининг

«Халқ сўзи» мухбири
Кўчқор НОРҚОБИЛ
сўхбатлашди.

Олий Мажлис сессияси олдидан

ШАРТНОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Матбуотда эълон қилинган «Хўжалик юри- туви субъектлар фаоли- тининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси нафақат мақсулот ишлаб чиқарувчилар, тал- биркорлар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ҳам ҳар томонлама урганил- моқда. Чунки Қонун лойи- ҳасида айнан прокурату- ра, ақлия идоралари унинг ижросини назорат қилиш- лари, судлар шартномалар юзасидан низоларни кўриб чиқиши, адвокатлар шарт- номалар тузилишида қат- наштириш лозимлиги кўра- тилган. Сирдарё вилояти прокуратурасида ҳам Қо- нун лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган да- ра сўхбат ўтказилди. Про- куратура ходимлари ушбу Қонуннинг долзарблиги, ҳаётийлиги ва зарурлигини эътироф этдилар. Зеро, қачон, қанча, қандай мақ- сулот ишлаб чиқариш, уни қаерга, қимга, қандай нархда етказиб бериш, хомаёни, асбоб-ускунани қаердан олиб келишни белгилаб берадиган итти- фок дараддан марказлаш- ган режалаштириш сис- темаси ўзини оқшатилади. Оқла- ши ҳам мумкин эмас, чун- ки Россиянинг қайси бир бурчагидаги истеъмолчи билан Ўзбекистондаги иш- лаб чиқарувчи оғдатла сий- сий мақсадларни кўзлаб бир-бирига сунғий белан- ган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса талбиркор, раҳбар жамоа шартномаси орқали шерикларини ўзи танлайди. Талаб қилиш ҳуқуқи ва жавоб бериш мажбуриятига эга бўлади. Муҳокамада Қонун лойиҳасига бир қанча

қилади» шаклида берилса, мазмун яна тўлиқроқ бўла- ди. Қонун лойиҳасининг 13- моддаси «Хўжалик шартно- малари тузилишининг белги- ланган шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмас, деб то- пилишига асос бўлади» де- ган банд билан тўлиқри- лиши лозим. Бундан шартно- маннинг ёзма шаклда тузи- лиши ҳам, 22-23-моддалар- да белгиланган шартно- маларнинг ҳуқуқий экспе- ртизадан ўтказилиши мажбу- рийлиги ҳам тушунилади. Лойиҳанинг 14-моддасида хўжалик шартномаси офер- та-оқшети юбориш йўли билан тузилиши белгиленган. Бизнингча бундай ҳолат та- рафларнинг ҳуқуқларини бироз чеklangиди, чунки, ҳаётда «қимомши» савдоси- да, тендерда қатнашиб, тур- ли хил ямаркаларда шарт- нома тузиш кент жорий қилинмоқда ва у қонунчи- ликка зид эмас. Ушбу ҳолат- лар Қонун лойиҳасида ўз ак- сини топиб, 14-модда тўли- қрилиши керак, деб ўйлай- миз.

Қонун лойиҳасининг 25- модда, 2-бандида «адлия органлари шартнома инти- зомини бузганлик учун ҳўжа- лик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Қонун ҳўжа- тларида белгиланган чора- лар қўлланилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назо- ратни амалга оширадилар», дейилган. Маъмурий жавоб- гарлик тўғрисидаги кодекс- га киритилган ўзгариш 176- 1-моддала «Шартнома инти- зомини бузганлик учун» жа- вобгарлик белгиленган ва 245-1-моддала бу тоифага ишлар ҳўжалик судлари то- монидан қўрилиши белги- ленган. Адлия органларига эса ҳўжалик судлари фао- лиятини назорат қилиш ҳўкуқи берилмаган. Шунинг учун юқорида қайд қилин- ган вазифани қандай усул- да амалга оширишлари но- маълум ва бунга аниқлик киритиш лозим бўлади.

Лойиҳанинг 5-боби Хўжа- лик шартномаларини бажар- маганлик учун жавобгарлик- га бағишланган бўлиб, қан- дай ҳолатларда ва тартибда жавобгарлик хал қилиниши кўрсатилган. Айниқса, 36- моддала неустойка (жарима, пеня) тўланганлигидан қатъ- ин назар ҳўжалик шартно- масини бузган тарafd ик- кинчи тарафга ана шу зар- рар оқибатда ўзи етказган неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган зарар қисмини ҳам тўлайди, зарар- га агар иккинчи тараф шарт- нома мажбуриятларини ба- жарганида биринчи тараф- олди муқаррар бўлган да- рада иккинчи тарафни буз- ганлик учун жавобгарликка тортиш бўйича Қонун ҳўжа- тларида белгиланган чора- лар қўлланилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назо- ратни амалга оширадилар», дейилган.

Истиқлолга ҳисоб берамиз

Янги давр ҳаётимиз, оғимизга кўп янги тушунчалар олиб кирди. Таай эски тасаввуралимизнинг ҳам моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Айтайлик, истиқлол шарофати билан «миллий», «миллийлик» сўзлари татоман бошқача маъно аналта бошлади. Чунки, ахир, биз айнан миллий давлат қуршса ки- ридиқ ва у биринчи галда мамлакатга ном берсан ҳалқнинг туб манфаатла- ридан келиб чиқиб иш кўради. Демак, миллийлик давлатнинг давлатинини таъминлаб турадиган белгида айланди. Хар бир масаласа миллат кўзи билан қараши имкони тўғлади.

БУХОРОДА ФЕСТИВАЛЬ

Шўро тузуми мустанлака ҳалқлар миллий рамаққилан ўзгудек кўрар эди. Муста- қил давлатимиз эса миллий- лик, хусусан, миллий санъат ривожидан беҳад манфаатдор. Онни ўзгариши, инсонни маънан камол топтириш, унга табиий (эстетик) тарбия бериш, миллий мафқуранни шакллантиришда санъатлар ичра киночилик кўл келадигани кам.



Қарангки, эқтимол, худ- ди шунинг учундир, бизда кино миллийлигини энг кўп йўқотадиган санъат тўғри ай- ланиб қолган эди. Бунга са- баблар кўп эди. Эски тузум- нинг сўнгги йилларида «ўзбек киноси» эмас, «совет киноси» яратиш бош мақ- сад қилиб қўйилган эди. Мил- лий ижодкорларнинг кино билан алоқаси узилиб қол- ганлиги оқибатда бу соҳа фақат Москва тарбиясини ол- ганлар қўлига ўтиб кетган, енгил-елин йўллардан юриш- га мойиллик қўнган, сена- рийлар рус тилида тайёрла- ниб, фильмлар рус тилида суратта олинар эди. Шу тари- қа кино ўзбек ҳалқи ҳаёти, дари, ирзу-йўлари, ишаш тарзи, фикр дунёсидан йироқлашиб кетганди. Очирқор айтганда, у кўпроқ «миллий- лашган», яъни миллий ил- дидан узилган бир тоифа ҳаётининга акс эттирадиган бўлиб қолганди.

Халқ халқ-да. Бундай ки- ноларни қабул қилмади — эқтирмади. Мурод ҳосил бўлди. Энди-чи? — Мен ҳар кунни ҳамкасб- ларга айтман: биз халқимиз, пешона тери билан қўлга ки- ритган маблаг асосида фильм яратамизми, энди ана шу нону тузга лойиқ, элимизга ёқадиган, унинг бор ҳўйе- жини қондирадиган асарлар суратта олишимиз керак. — дейди «Ўзбекино» ҳўсалор- лик компаниясининг раиси Теъмуралиқ Юнусов. Ўзбек киноси шу йўлни тутса — адашмайди. Утган ҳафта миллий ки- номиз халқ ҳўзурига ташриф бурди. Бухоро вилояти ҳўқимлиги ташаббуси билан бу ер тарихда илк бор ўзбек фильмлари фестивали ўтка- зилди. Бу истиқлол дари ки- носининг ўзига хос бир ҳўсо- боти бўлди. «Бухоро» кинотеатри саҳ- нида карнай-сурнай салона- ри остида бир гуруҳ кино санъаткорларини вилоят раҳ- барлари, шаҳар аҳди вақил- лари кўтиб олди. Фестивал- нинг очилиш маросимида вилоят ҳўқими Самойилдин Хусенов бу фестиваль айнан Бухорода утаётгани бежиз

эмаслигини таъкиллади. Чун- ки биринчи ўзбек кинолари Бухороий шарифда суратга олинган. 1924 йили бу ерда «Бухино» студияси иш бо- шлаган. Бухоро — ўзбек кино- нинг чинакам юлдузлари, ажойиб санъаткорлар: Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Ами- на Фаёзова, Бахтиёр Ихтиёров, Теша Мўминов қабилини во- га етказган макон. Ҳоким кинофестивални ан- анавий талбирга айлантириш

ЭНДИ БУ ЙЎЛЛАРДА БЕЛГИЛАР БОР

Шоҳимардонга олиб борувчи йўллар қайта қурилиб, таъмирланиб, равон асфальт қопламалари ётқизилиши билан бирга чиройли йўл бел- гилари ўрнатилган алоҳи- да эътибор берилаяпти. Бу хайрли ишни «Ўзав- тойўл» давлат концерни- нинг Янгийўл шаҳридаги йўл белгилари тайёрла- диган механик корхона- си ўз зиммасига олди. Да- сглаб корхона раҳбари Туробжон Минаваров за- монавий, нур қайтаради- ган, енгил пластмассалар- дан тайёрланган 60та йўл белгисини олиб келган эди. Бу белгилар Воқил- Шоҳимардон йўлининг зарур қисмларига ўрна- тилди. 30 километрик масофага яна 600 та шун- дай замонавий, жаҳон стандартлари талаблари- га жавоб берадиган бел- гилар, йўл кўрсаткичла- ри ўрнатилдиган бўлди.



ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Халқимиз азал-азалдан паррандаларга нисбатан етти хазинанинг бири деб қараб келишди. Республикаимизнинг қайси бир қишлоғига борманг, истаган хонадонингизда паррандалар боқилаётганининг гувоҳи бўласиз. Бўстонлик туманидаги паррандалчилик ихтисослаштирилган «Голден Винг» ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳам ана шу эътибор натижасидир. Мазкур корхонада ҳар ойда 50 тоннадан зиёд парҳез гушт тайёрланаётир.

СУРАТЛАРДА: паррандабоқар Зоҳира Алимқулова эртаю кеч жўжалар парвариши билан банд; озуқа шеҳи мудири Эсонбой Тожиев, ишчилардан Баҳром Миробоев ва Олтинбек Нисабоевлар озуқа сифатини кўздан кечи- ришаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Австрия шиллинги, Англия фунт стерлинги, Бельгия франки, Голландия гульдени, Греция драхмаси, Дания кронаси, БАА дирхами, АКШ доллари, Миср фунти, Ирландия фунти, Исландия кронаси, Испания песети, Италия лираси, Канада доллари, Ҳангوى юани, Қўвайт динари, 100 Ливан фунти, Малайзия рингити, Германия маркиси, Норвегия кронаси, Польша злотийси, Португалия эскудои, Сингапур доллари, СДР, Туркия лираси, Финляндия маркиси, Франция франки, Швейцария кронаси, Швейцария франки, ЭКЮ, Жапония иени, Япония иени, Россия рубласи, Украина гривнаси, Беларусь рубли, Латвия лити, Литва лити, Молдова лейи, Қирғизистон соми.

Япон алоқачилари қизилтепада. Қизилтепа туман электр алоқа тармоғига шартнома асосида Япониянинг «НЭК» фирмасидан жаҳон андозларига мос ускуналар келтирилди. Бу компьютер тизими билан жиҳозланган янги телефон станцияси бўлиб, исталган жой билан тез ва сифатли алоқа боғлаш имконини беради. Ҳозир япониялик мутахассислар уни монтаж қилишга киришиллар. Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида қизил- тепаликлар 3 минг нуқтали янги телефон станциясига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки. Иқтисодий тадқиқотлар ва статистика марказида ишлаш учун мутахассисларни ишга таклиф этади. Номзодлар сўхбат асосида ишга қабул қилинадилар. Олий иқтисодий маълумотга эга бўлган; иқтисодий таҳлил услубиятини биладиган; тадқиқотлар ўтказишга иштиёқли бўлган; чет (инглиз) тилини биладиган; банкларда, давлат муассасаларида, олий ўқув юртыларида, илмий-тадқиқот институтларида иш тажрибасига эга бўлганлар. Номзодлар ёши 33 дан ошиқ бўлмаслиги лозим.

«Халқ сўзи» материаллари изидан «ХОРАЗМ СПОРТИНИНГ ШУҲРАТИ ҚАЧОН ТИКЛАНДИ?»

Газетанинг шу йил 3 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда вилоятда спортни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида йўл қўйилётган камчиликлар тил- га олинганди. Яқинда таҳририят вилоят ҳўқимлигидан мажкур мақола бўйича жавоб мактуби олди. «Мақола Хоразм вилояти ҳўқимлигида спорт ташкилот- лари раҳбарлари ва мутахас- сислари иштирокида муҳока- ма қилинди, — деб ёзди ви- лоят ҳўқимининг ўринбосари жаноб Т. Досанов. — Мақо- лада кўрсатилган камчилик-

лар асосан тўғри, деб топилди. Уларни бартараф қилиш ҳамда вилоят спорт шарафини юқори кўтариш юзасидан аниқ тал- бирлар белгиланди. Спорт муассасаларига эъти- борсизлиги ва бошқа камчи- ликларга йўл қўйилгани учун Урганч тумани спорт қўмитаси раиси К. Раҳимов эггалб турган лавозимдан озод қилинди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Д. Ражабов, раис ўринбосари С. Асқаров, Гуран, Янги- ариқ, Хазорасп туманларининг жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари раислари С. Эрма- тов, Р. Матқубов, Ж. Кейжа-

евлар ишлади камчиликларни кўрсатилиб, огоҳлантирилди- лар. Камчиликларни тугатиш мақсадида Янгиариқ, Гуран, Урганч, Шовот туманларидаги марказий ўингоҳларни темир панжага билан ўраб олиш, томошабинлар ўтира- диган ўриндиқларни ва спорт- чилар учун хоналарни таъмирлаш, футбол майдонига чим ётқизиш каби ишлар бошлаб юборилди. Вилоят спорт шарафини кўтариш юзасидан белгилен- ган режалар мажкур изчил амалга оширилиши учун бар- ча чора-тадбирлар қўйилди».

«МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТ МЕВАСИ ТОТЛИ БЎЛАДИ»

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 10 апрелдаги сонида эълон қилинган «Юқоридаги сарлавҳа мақола билан та- шишиб чиқдик. Унда Марха- мат туманидаги Т. Нуриев раҳбарлик қилётган «Шуҳ- рат» деҳқон-фермер ҳўжали- ги фаолияти атрафидача erti- тилган. Мақола қаҳрамонини унга берилган имтиёзли кре- дитни ололмаганини ҳўқиди ҳам мулоҳаза айтилди, — деб ёзди «Бизнес-фонд» бош- қаруви раисининг биринчи ўринбосари Г. Юсупова. — Дарҳақиқат, мажкур ҳўжалик раҳбари 1997 йил 19 мартада бўлиб ўтган «Ташаббус-96» кўрик-танловининг совриндо- ри бўлган ва 16 млн. сўм (12 млн. сўм эмас) миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳўқуқини қўлга киритган эди. Шунга мувофиқ у кредит олиш бўйича белгиленган Низом асосида барча ҳўжат-

лар жамланмасини «Бизнес- фонд»га тақдим этиши керак эди. «Шуҳрат» деҳқон-фермер ҳўжалигининг кредит олиш бўйича олиб борган ишлари- нинг таҳлили шуну кўрсата- дикки, кредит олиш бўйича «Бизнес-фонд» ва «Маалд» су- гурта агентлиги талаб қилди- ган ҳўжатлар 1997 йил сен- тьябрь ойидан бошлаб расмий- лаштирила бошлаган. «Бизнес- фонд»нинг Андижон бошқар- маси томонидан 1997 йил 19 декабрда деҳқон-фермер ҳўжа- лининг бизнес-режа лойиҳа- сини «Бизнес-фонд» маркази маҳкамасида ва «Маалд» суғур- та агентлигида кўриб чиқиш учун тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинган.

«Бизнес-фонд»нинг мар- кази маҳкамасига ҳўжатлар 1998 йил 5 январда тақдим этилган. Ушбу ҳўжатлар жам- ламасида энг муҳим бўлган инвестицион лойиҳанинг биз- нес-режаси йўқ эди. Бизнес- режа 1998 йил 15 февралда етказиб берилган. Лекин «Бизнес-фонд» экспертлари томонидан бу лойиҳа кўриб чиқилганда шу нарса маълум бўлдикки, бизнес-режа «Ташаббус-96» кўрик-танловининг голдоби сифатида ҳўжалик фаолияти- ни янада ривожлантириш мақсадида эмас, балки 6 та «Дамас» автомашинаси сотиб олиб аҳолига хизмат кўрсата- дигача мулкдорларга бўлиб, бу эса кўрик-танловнинг шарт- ларига зиддир. Агар ҳўжа- ликда бундай хизматни йўлга қўйиш истаги бўлса, ушбу ишларни ўз имкониятлари доирасида келиб чиққан ҳолда амалга ошириши зарур бўлади. Юқоридагиларни ҳўсобат олган ҳолда талбиркор Т. Ну- риев «Ташаббус-96» кўрик- танлови ҳаётият томонидан унга берилган имкониятдан ўз вақтида ва ўз ўрнида фой- далана олмаган. Унинг имтиёзли кредитни ололма- ганлиги сабабли қўлдан иш фаолиятини юртя олмаган- лиги хусусидаги мулоҳаза ҳақиқатда яқин эмас.

Султонмурод ОЛИМ.

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЖАН ЖАННАТИ БУ

Хусн бўлиб гўдак заминга
Тароватдан таралган маъво,
Боғларига саховат инган,

Бўлиб Турон, бўлиб Туркистон,
Ўзлигини излаган Ватан,

Тупроғидан унғай латофат
Пахта бўлиб, бугдой, гул бўлиб,

Ҳилпирайди байроғи мағрур,
Алпомишдай келган қаддини,

Спитамен, Тўмарис бўлиб
Чиққан юртин айлаб ҳимоя.

Етти йиллик одимларига
Жойлаб етти асрлик мазмун.

Кўк тоқига йўл очган илк бор
Сўхбат қурган юлдузлар билан,

Афсонавий паҳлавонсимон
Юксалмоқда дақиқа сайин.

Аждодлардан мерос гурури
Томирида жўш уриб бир кун.

Қор, музликлар, тошларнинг бағрин
Ёриб чиққан бойчечак мисол,

Ҳабиб САЪДУЛЛА

Кўқонда шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган "Кўқоннинг дилором оқшомлари" халқ сайиллари бўлиб ўтмоқда.

КЎҚОННИНГ БАЙРАМ ОҚШОМИ

Унда шаҳардаги меҳнат жамоалари, муассасалар ва маҳаллалар вакиллари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, ҳаваскор хонанда, созанда, бастакор ва расомлар, оилавий ансамбллар она-Ватан мустақиллиги, унинг порлоқ келажаги, халқимиз бунёдкорлигини акс эттирувчи дилрабо кўшиқ ва рақсларини намойиш этмоқда.

Тадбир доирасида жойларда кенг кўламли тозалик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, "Энг яхши оила", "Энг ибратли келинчақ" мавзуида кўрик-танловлар ўтказилляпти.

Р. КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.



1998 йил — ОИЛА ЙИЛИ

Айтишларича, энг бахтли одам эрталаб хуш кайфият билан ишга отланиб, ишдан сўнг оиласи, фарзандлари даврасига хушнуд қайтган одамдир. Урганч шаҳрининг «Феруз» маҳалласида истиқомат қилувчи Сулаймон Юсуповни маҳаллаушларини энг бахтли оила соҳибидеб тан оlishди. Негаки, Сулаймон оғанинг аҳил оиласи «Энг намунали хонадон» кўригида голиблик шохуспасини эгаллади.

СУРАТДА: «Энг намунали хонадон» соҳибидеб Сулаймон Юсупов оила аъзолари даврасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Абдор Ҳидоятлов номидаги театр ўзининг бу йилги мавсумини янги спектакль билан бошлади.

Садриддин Айниининг машҳур «Судҳўрнинг ўлими» киссаси асосида Наим Қаримов «Эзган асар» «Муқаддас Бухоро» деб аталади.

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Спектаклни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган. Саҳна безакларини Муса Исҳоқов ишлаган. Бу ўзига хос музикавий спектакль Бухоро музикаий фольклоридан маҳорат билан фойдаланилган.

(ЎЗА)

ШИФОҚОР МАСЛАХАТИ

Ҳар бир касалликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда тўғри ва вақтида берилган маълумотнинг аҳамияти катта.

сифатли қайта ишлаш, дала шийпонларида, болалар ёзи оромгоҳларида, бозорларда санитария ҳолатини талаб даражасига кўтариш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиялари қарорла-

Лекин бизга қўшни баъзи мамлакатларда кўпгина юқумли касалликлар бўйича вужудга келган мураккаб эпидемия вазиет ҳамда мамлакатимизга оқиб келётган барча сув манбаларининг эпидемиологик жиҳатдан носоголом бўлган республикалар худудидан ўтиши юқумли касалликларнинг ана шу восита орқали кириб келиб, тарқалиши хавфини тугдиради.

ЧОРАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

зентриал боғламларга жойлашиб, у ерда тез кўпайди ва қонга ўтади, заҳар ажратиб, нерв, юрак, ошқозон ичак системасини зарарлайди, ингичка ичакда ҳосил қилган яра эса ёрилиб, ичдан қон кетишига сабаб бўлади ҳамда ногиронликка олиб келади.

ри ижросини назоратта олиш, вакцина, фағлар ҳамда даволаш препаратларини олиш учун етарли миқдорда маблағ ажратилиши, сайёҳлар устидан тиббий назорат ўрнатилиши, ахлатхоналарни вақтида тозалаб, дезинфекция қилиш, санитария миллицияси иштини фаолиятли равишда қўллаш вақтида таълимий маълумотларнинг кўрсатишича, қорин тифи қўзғатувчиси ташқи муҳитда узоқ сақланади, сел келган, сув тошқини содир бўлган ва сурункали бактерия ташувчилар бор микроочасткаларда авжга чиқиши мумкин.

Зарарланган сув ва озиқ-овқат орқали тарқаладиган юқумли хасталикларга вабо, қорин тифи, салмонеллезлар ва ичбуруғ кирди. Очқич сув ҳавзаларининг ифлосланиши, кимёвий кўрсаткичларининг талаб даражасига жавоб бермаслиги бактерияларнинг кўпайишига ва сув эпидемияларига олиб келиши мумкин. Август-сентябрь ойлари бу жиҳатдан энг хавфли давр ҳисобланади.

Хасталик бош оғриғи, ҳарорат кўтарилиши, кўнгил айнаши, ҳолсизлик ва тошма тошиш билан ўтади. Бемор хасталикнинг яширин даврида шифохонага ётқизилади, ўз вақтида даволанмаса, сурункали бактерия ташувчиларга айланиб қолиши мумкин. Эпидемия маълумотларининг кўрсатишича, қорин тифи қўзғатувчиси ташқи муҳитда узоқ сақланади, сел келган, сув тошқини содир бўлган ва сурункали бактерия ташувчилар бор микроочасткаларда авжга чиқиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўтқир юқумли ичак хасталикларининг иқтисодиётга келирадиган зарари миллионлаб сўмларни ташкил қилади. Юқори савияда ўтказилган санитария-эпидемиология назорати эса бундай муаммоларни вақтида ҳал қилишга ёрдам беради.

Мумтоз ҲАКИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ПОЙТАХТ ЯНГИЛИКЛАРИ



КУТУБХОНА ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

Энди ушбу масканда дунёнинг турли бурчақларидаги янгиликлар, нашр этилган янги китоблардан хабардор бўлиш имкони яради. «Турон» нафақат Тошкент вилоятида, балки республикамизда ҳам кекса кутубхоналардан. Бу ерда сўнги 80 йил мобайнида нашр этилган китоблардан ташқари, кундалик газета ва журналларнинг топши мумкин.

Жамоа АҚШдаги СОРОС фондининг кутубхонашунослик бўйича танловига иштирок этиб, голиб чиққан-ди. Соверинга компьютер ютишувди. Эндликда ана шу компьютер кутубхонани жаҳон билан боғлаётти.

СОГЛИГИНГИЗ КЕРАКМИ, КЕЛИНГ

Сирғали туманида қўнға юза яқин мижозини қабул қиладиган соғломлаштириш маркази ишга тушибди. Асаб хасталикларини, урология, таъхис, УЗИ бўлимларида юқори мазакали мутахассислар таллаб олинди. Физиотерапия хонаси, турли еиёҳлардан шифобахи ичимликлар тайёрлайдиган фитобар ҳам бир маромда ишлайдиган бўлди. Мухими шундаки, беморлар дори-дармонларини шу ерда олинган дориҳонадан 10 фоиз арзон нархда харид қилишади.

ОТЧОПАРГА НИМА БЎЛДИ?



Сиз кўриб турган ушбу суратлар кунни кеча Тошкент шаҳридаги Отчопардан олинган. Бу ерга нима бўлди, дейсизми? Отчопар директори жаноб Абдулҳай Содиқовнинг таъбирича, бундай ташвишли ҳолга биринчи галда шу яқин ўртага бундан уч йил илгари кўчиб келган бозорнинг таъсири бўлган эмиш. Шароитни яхшилаш учун у киши раҳбарлик қила бошлаган сўнгги бир йил ичида кенг кўламли ишлар ҳам олиб борилибди...



... Йўғ-э, бугунги кунда Отчопарга савдо-сотқилинжида ташриф буюрган биронта киши ҳам бу гапга ишонмайди. Бунинг устига ҳозир алданадиган одам ҳам йўқ ҳисоби. Хуллас, директор жа-

нобларига айтадиган гапимиз шу: ўзингиз лоқайд муносабатда бўлаётган Отчопар юмушларининг бугунги аччиқ ва ачинарли қисматига бозор шароитининг, бозор кишилари-нинг фаолиятини баҳона қилманг. Бутун пойтахтимиз бўйлаб бири-биридан гўзал маданий ва маиший иншоотлар барпо этилаётган бир пайтда сиз ва сизнинг кўл остингизда ишлайдиганлар эса...

Дарҳақиқат, Халқаро Олимпия Кўмитаси, дунёдаги барча жисмоний

тарбия ҳамда спорт жамоатчилиги бугунга келиб бутун Ўзбекистонга катта ишонч билан қарамокда. Спортчиларимиз эришаётган ютуқлар салмоқли. Соғлом авлод, жисмоний баркамоллик масаласида давлатимиз янги-янги режаларни тузмокда. Бахтли ва саодатли келажак

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН (ЎЗА).

Ўзбекистондаги радиаторлар ишлаб чиқарувчи ягона корхона. Ўзбек-Россия «ҚАРШИРАДИАТОР» Қўшма Корхонаси. «МТЗ», «ОЛТОЙ», «ДТ» тракторлари учун сувли радиаторларини ишлаб чиқаради ва сотади.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона. «ЛОК КОЛОР СИСТЕЗ» ЗАВОДИ. Янги арзонлаштирилган нархларда. УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРИНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТИЛ ЭМАЛЛАРИНИ, ШИФТ ВА ДЕВОРЛАР УЧУН БЎЁҚЛАРИНИ, РАНГСИЗ ЛОК (ФФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИ (ПВА га ўхшаш)НИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАВСУМИЙ САВДО. 20% ГАЧА ЧЕГИРМАЛАР. СОТИБ ОЛАМИЗ: СИККАТИВ, ЭЖК, ГЖК, 0,25x712x820 ўлчамли ОҚ ТУНУКАЛАРИ.

12 варақли ўқувчилар дафтарлари сотилади. Мўшов шахми - ичи қўлқошиш йўли билан. Тел: 144-11-60, 144-59-68.

Республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки «Галлабан» жамоаси банкнинг Бош аудитори Фахриддин Ялташева волидан муҳтарамаси. Забрабуви ЯЛТАШЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухиддинов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худойеров, И. Шоғуломов, Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилиши: 22.45 1 2 3 4 5 6